



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-12>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodijjon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Садибекова Молдир Сеилхановна СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ГОСУДАРСТВЕННАЯ УСЛУГА» И «ПУБЛИЧНАЯ УСЛУГА» ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ КАЗАХСТАНА И УЗБЕКИСТАНА.....	5
2. Камалова Гулноза Абдубаситовна КРУПНАЯ СДЕЛКА ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЩЕСТВ: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ ПРАВОПРИМЕНЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	15
3. Алиходжаев Комил Кадинович АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	23
4. Хакимова Камола Фаррух кизи ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АДВОКАТОВ И ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ УЗБЕКИСТАНА: БАЛАНС ЭФФЕКТИВНОСТИ И АДВОКАТСКОЙ ТАЙНЫ.....	32
5. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ.....	42
6. Ahmadjonov Sultonbek Shukurillo o'g'li QALBAKI PUL, AKSIZ MARKASI YOKI QIMMATLI QOG'OZLAR YASASH VA ULARNI O'TKAZISH JINOYATINING AYRIM JINOIY-HUQUQIY, KRIMINOLOGIK HAMDA TERGOV TAKTIKASI JIHATLARI (O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JK 176-MODDASI MISOLIDA).....	52
7. Ergashev Xudoberdi Rahmatjon o'g'li AXLOQ TUZATISH ISHLARI JAZOSINI IJRO ETISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MASALALARI VA UNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH CHORALARI.....	59
8. Xolmirzayeva Shoxista Arziqul qizi NOQONUNIY MIGRATSIYA VA TRANSMILLIY JINOYATCHILIK: XALQARO HUQUQIY NAMKORLIK MECHANIZMLARINING TAKOMILLASHUVI.....	66
9. Тилеуов Еркинбай Муратбаевич ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	75
10. Ёкубжонов Алишер Шерзод ўғли ПОНЯТИЕ НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ ЧАСТНОЙ ЖИЗНИ ЛИЧНОСТИ И ВОПРОСЫ ЕЕ ОХРАНЫ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ.....	86
11. Зокиров Сардор Каримжонович МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФУНКЦИИ ЗАЩИТЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВОСУДИЯ.....	95
12. Нурматов Равшан Бегмаматович ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ПРОБАЦИЯСИНИНГ МАЗМУН – МОҲИАТИ.....	102



Нурматов Равшан Бегмаматович,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси
E-mail: nurmatov.ravshan@list.ru

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ПРОБАЦИЯСИНИНГ МАЗМУН – МОҲИЯТИ

For citation: Nurmatov Ravshan Begmamatovich. THE ESSENCE AND CONTENT OF JUVENILE PROBATION. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 12.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509277>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш орқали жамиятга ижтимоий мослаштиришда пробацция институтининг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, вояга етмаганлар пробаццияси (ювенальная пробацция)ни жорий этиш зарурати асосланиб, Молдова, Украина ва Қирғизистон қонунчилиги мисолида халқаро тажриба таҳлил қилинган ва миллий қонунчиликка вояга етмаганлар пробаццияга оид алоҳида модда киритиш таклифи илгари сурилган.

Калит сўзлар: пробацция, вояга етмаганлар пробаццияси, судгача пробацция, васийлик ва ҳомийлик, вояга етмаганлар, ижтимоий мослаштириш, такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш.

Нурматов Равшан Бегмаматович,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: nurmatov.ravshan@list.ru

СУТЬ И СОДЕРЖАНИЕ ПРОБАЦИИ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается значение института пробацции в процессе социальной адаптации несовершеннолетних посредством защиты их прав и законных интересов, формирования у них законопослушного поведения и уважительного отношения к общественным нормам. Обоснована необходимость внедрения ювенальной пробацции, проанализирован международный опыт на примере законодательства Молдовы, Украины и Кыргызстана. На этой основе предложено включение в национальное законодательство отдельной нормы, регулирующей пробаццию в отношении несовершеннолетних.

Ключевые слова: пробацция, ювенальная пробацция, досудебная пробацция, опека и попечительство, несовершеннолетние, социальная адаптация, профилактика повторной преступности.

Nurmatov Ravshan Begmatovich,

Independent researcher at Tashkent State University of Law

E-mail: nurmatov.ravshan@list.ru

THE ESSENCE AND CONTENT OF JUVENILE PROBATION

ANNOTATION

This article examines the significance of the probation institution in the process of social adaptation of minors through the protection of their rights and legal interests, as well as the formation of law-abiding behavior and respectful attitudes toward societal norms. The necessity of introducing juvenile probation is substantiated, and international experience is analyzed based on the legislation of Moldova, Ukraine, and Kyrgyzstan. Basing on this, a proposal is put forward to include a separate provision regulating probation for minors in national legislation.

Keywords: probation, juvenile probation, pre-trial probation, guardianship and trusteeship, minors, social adaptation, prevention of repeated crimes.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ёш авлодни барқамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама қамол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур”, 79-моддасида “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради ҳамда давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади” деб мустаҳкамлаб қўйилди [1].

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида янги таҳрирдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди [2].

Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ҳамда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунлари қабул қилинди.

Бугунги кунда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида қонунга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, қонунбузарликнинг ҳар қандай шаклига нисбатан муросасиз муносабатни сингдириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Афсуски, сўнгги йилларда ёшларга оид жиноятлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ортаётгани ташвишли ҳолатдир.

Маълумотларга кўра 2024 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 43 тадан 65 тага ошган, яъни 51,2 фоизлик ўсиш қайд этилган [3].

Шунингдек, олди олиниши мумкин бўлган жиноятчиликнинг асосий улушини ўғрилиқ ва фирибгарлик жиноятлари ташкил этиб, уларнинг 59,4 фоизи ёшлар ва 36,1 фоизи илгари судланганлар томонидан содир этилган [4].

Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар ва вояга етмаганлар сиёсати барча давлатлар учун асосий масалалардан бири ҳисобланиб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни тўғри йўлга йўналтириш масаласи жуда

долзарбдир. Бу вазифани амалга оширишда пробацяя институти, хусусан, вояга етмаганлар пробацяяси муҳим аҳамият касб этади.

Бирок, сўнгги вақтда илмий ва амалий ходимлар даврасида ахлоқ тузатиш мақсадидан эришиб бўлмайдиган мақсад сифатида воз кечиш ва қайта ижтимоийлашув мақсадининг ўзи билан кифояланиш лозим, деган фикр илгари сурилмоқда.

Бизнингча, бу унча тўғри фикр эмас. Барча маҳкумларни, айниқса хулқ-атвори салбий, ғайриижтимоий бўлган ашаддий жиноятчиларни ахлоқан тузатиш мумкин эмас. Аммо, вояга етмаган жиноятчиларнинг аксарият қисмига, шунингдек криминал зарарланиш даражаси жиддий бўлмаган катта ёшдаги маҳкумларга нисбатан ахлоқан тузатишдан кўзланган мақсад эришилиши мумкин.

Шунга қарамай, қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича маҳкумларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи озодликдан маҳрум қилинади (кўплаб иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга ҳам асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмоқда). Собик шўро даврида бу жазо чорасининг улуши 50% дан ортиқ бўлган ва айни ҳол жазо мақсадларига эришиш ниятидан кўра кўпроқ арзон ишчи кучи бўлган маҳкумлардан кенг фойдаланишга қаратилган эди. Шу билан бир вақтда ўша даврда оммавий ахборот воситалари, олимлар ва мутахассислар озодликдан маҳрум қилинган шахслар сақланадиган муассасаларнинг оғир иқтисодий аҳволини, уларда ўз “маданият”ининг мавжудлиги ва бошқа бир қанча нохуш омилларни ҳисобга олиб, мазкур жазо турининг муайян салбий оқибатларига (айниқса вояга етмаганларга нисбатан) эътиборни қаратганлар [5].

Ҳорижий амалиёт бошқа йўл билан борган. Кўплаб экспертлар (шифокорлар, ўқитувчилар, психологлар) жиний жазони қўллаш (айниқса, қамоқ жазоси) экстремал чора деб ҳисоблашади. Вояга етмаганларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзи, фикрлаш тарзига фаол таъсир кўрсатиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ижобий натижа бериши мумкин. Уларнинг фикрича, жазони кучайтиришни вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсиши муаммосини ҳал қилишнинг самарали усули деб бўлмайди. Афсуски, вояга етмаганларга нисбатан жиний жазоларни қўллаш бўйича миллий амалиёт бунинг аксини кўрсатади: жазо сифатида жарима 1,8% ҳолларда қўлланилади, ахлоқ тузатиш ишлари - 0,67%; шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазоси - 72,3%; муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш - 24,1%.

Мисол учун, Францияда амалга оширилаётган пенитенциар сиёсатда жиноят ҳуқуқи ва криминология соҳасидаги янги оқим – “янгича ижтимоий ҳимоя” ғоялари ўз аксини топган. М.Ансель томонидан илгари сурилган мазкур концепцияга мувофиқ жиний репрессия қилмиш (жиний)га қарши эмас, балки уни содир этган шахсга қарши қаратилиши лозим. Жазонинг асосий мақсади кўрқитишдир, деб эълон қилган анъанавий социологик йўналишдан фарқли ўлароқ, “янгича ижтимоий ҳимоя” концепциясига кўра жазо биринчи навбатда ижтимоий хавфли шахсларнинг ахлоқини тузатиш, уларнинг қайта ижтимоийлашуви мақсадини кўзлаши лозим [6].

Буёқ Британияда вояга етмаганлар жиноятларини олдини олиш амалиёти кенг қўлланилади. Назарий жиҳатдан, огоҳлантиришнинг уч тури мавжуд. Биринчи ҳолда, полиция ходими кичик жиноят содир этиш фактини аниқлаб, жиний жавобгарликка тортишни зарур деб ҳисобламаган ҳолда, бошқа чоралар кўрмасдан, фақат вояга етмаганни бундай ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантиради. Ушбу параметр “норасмий огоҳлантириш” деб аталади Бу ҳеч қандай процессуал оқибатларга олиб келмагани учун ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга эмаслигини тушуниш осон.

Иккинчи ҳолда, огоҳлантириш протоколда қайд этилади, шунинг учун бу чора “расмий огоҳлантириш” деб аталади. Акс ҳолда, бу огоҳлантиришнинг биринчи шаклдан унчалик фарқ қилмайди, чунки кўрсатилган протокол ҳам процессуал ҳаракат эмас (уни қайта тиклашда ҳам судга мурожаат қилиш мумкин эмас).

Учинчиси – “ҳисобга олиб, расмий огоҳлантириш”. Полиция жиноятни оқибатларсиз қолдиришни истамаган ва анъанавий жиний таъқиб қилишни зарур деб ҳисобламасдан, вояга етмаганни ота-онасини олишдан расман огоҳлантиради. Бундай огоҳлантириш полиция

архивида жойлашган махсус реестрга киритилади, у ерда уч йил ёки вояга етмаган ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар сақланади. Шахс белгиланган муддатда янги жиноят содир этганда, суд жазо тайинлашда ушбу ҳолатни ҳисобга олади, огоҳлантиришни шахсинг муқаддам судланганлиги деб ҳисоблайди.

Адабиётларда ота-оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганлар устидан назоратни амалга ошириш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ эмаслиги кўрсатилган, чунки бу шахсларнинг бу мажбурияти никоҳ ва оила қонунчилиги нормалари асосида мавжуд. Бундан ташқари, агар вояга етмаган шахс аллақачон жиноят содир этган бўлса, бу ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар уни тўғри тарбияламаганликлари, унга нафақат ахлоқий ва ахлоқий, балки ҳуқуқий нормаларга ҳам риоя қилиш мажбуриятини юкламаганликларини кўрсатади. Бу вояга етмаганлар, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар устидан назоратни амалга ошириши мумкин бўлган субъектлар қаторига киритилишини шубҳа остига қўйиш имконини беради [7].

Инглиз қонун чиқарувчиси жабрланувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш учун реал жиноий процессуал имкониятларнинг йўқлиги билан боғлиқ тарихий вазиятни тузатишга уриниб, вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Кўриб чиқилаётган муаммо доирасида ушбу институтнинг амалга оширилиши вояга етмаганларга зарар етказилган ҳолларда қизиқиш уйғотади. 2000 йилдаги Жиноят судлари ваколатлари тўғрисидаги қонунга биноан, бу ҳолатларда зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқарилади, унинг муҳим хусусияти шундаки, бундай зарарни нақд пулда қайтаришга йўл қўйилмайди (компенсациядан фарқли ўлароқ). Вояга етмаган шахс етказилган зарарни бошқа йўл билан, биринчи навбатда, ўз меҳнати билан қоплаши шарт.

Медиациянинг бир тури пробация воситачилиги бўлиб, у дастлаб фақат вояга етмаганлар ишлари бўйича жиноятларга жавоб беришнинг муқобил воситаси сифатида ишлаб чиқилган.

Пробация воситачилигининг моҳияти шундан иборатки, полиция жиноий иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин ишни одатда пробация хизмати ходимларидан, тегишли жамоат ташкилотлари вакилларида, баъзан эса полиция ходимларидан иборат воситачилик хизматига юбориши мумкин. Кейинчалик, воситачи жабрланувчи ва жиноий таъқибга учраган шахс билан навбатма-навбат учрашиб, мураса йўлини топишга ҳаракат қилганда, ярашув процедураси амалга оширилади. Агар воситачилик муваффақиятли бўлса ва тегишли келишув тузилса, полиция жиноий иш қўзғатишдан бош тортади ва ишнинг кейинги ривожини бўлмади, одатда огоҳлантириш (расмий ёки норасмий) билан чекланади. Шу маънода жиноий таъқибга муқобил бўлган пробация ва медиация институтлари бир-бири билан ҳамма ҳам боғланган. Бир-бирини истисно қилувчи чоралар эмас, аксинча, бир-бирини тўлдириб, кўпинча комбинацияли ҳолда қўлланади (медиация муваффақияти, қоида тариқасида, огоҳлантириш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб келади).

Бугунги кунда хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етмаганлар пробация хизмати турлича йўлга қўйилган бўлсада, асосий фаолият пробация назоратидаги вояга етмаганларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш орқали такроран жиноят содир этилишини олдини олишга қаратилган.

Жумладан, Молдова Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонунга кўра вояга етмаганларга нисбатан пробация боланинг олий манфаатларига риоя қилиш мажбуриятини инобатга олган ҳолда амалга оширилиб, оғир аҳволда бўлган вояга етмаган шахсни вақтинчалик ҳимоя қилишга, уни қайта ижтимоий мослаштиришга ҳамда биологик ёки асраб олувчи оилага, болалар уйига ҳамда жамиятга тўғри мослаштиришга қаратилган.

Ўз навбатида, вояга етмаганларга нисбатан пробация қуйидагиларга қаратилган:

- шахсинг психопедагогик реабилитация жараёнини таъминлаш;
- ҳар бир ҳолатни индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида кўриб чиқиш;
- бола ҳимоя қилиш хизматлари билан алоқани ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;

- вояга етмаганни оилага қайта интеграция қилишдан олдинги ва кейинги вазиятни мониторинг қилиш;

- оила ва жамиятнинг вояга этмаганларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг оғир аҳволга тушиб қолиш хавфининг олдини олиш қобилиятини ривожлантириш;

- вояга етмаганларга нисбатан пробацция чораларини қўллаш бўйича барча масалаларни боланинг манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Шунингдек, мазкур қонунга асосан пробацция жараёнида пробацция ходимлар қуйидаги ишларда иштирок этиши мумкин:

- болалар ва оилаларни ҳимоя қилиш соҳасида тармоқ ва маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, давлат ижтимоий ҳимоя хизматларини ташкил этиш;

- болалар ва оилаларни ҳимоя қилиш хизматларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- оғир ёки хавфли вазиятга тушиб қолган болалар ва оилалар, шунингдек, болалар ва оилаларни ҳимоя қилиш муассасалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган миллий ва маҳаллий даражада ягона ахборот тизимини яратиш;

- болалар ва оилаларни ҳимоя қилиш бўйича давлат хизматларининг, болаларнинг оғир аҳволга ёки интернатларда тарбиялаш ва сақлаш тизимига тушиб қолишининг олдини олиш хизматлари, шунингдек, оғир аҳволда ёки хавф остида бўлган болалар ва оилаларга ижтимоий ёрдам хизматларининг самарали моделларини ишлаб чиқиш ва рағбатлантириш;

- болалар ва оилалар муаммоларини ҳал қилишда хусусий секторни жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш [8].

Украина давлатининг “Пробацция тўғрисида” ги қонунига асосан вояга этмаганлар учун пробацция 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан шартли ҳисобланиб, уларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур қонунга кўра вояга этмаганлар учун пробацция уларнинг нормал жисмоний ва ақлий ривожланишини таъминлаш, тажовузкор хулқ атворни олдини олиш, шахснинг ижобий ўзгаришларини рағбатлантириш ва ижтимоий муносабатларни яхшилашга қаратилган.

Шунингдек, вояга этмаганлар учун судгача пробацция жараёнида вояга етмаган айбланувчи ҳақида судгача ҳисоботда қўшимча равишда қуйидагилар бўлиши кераклиги келтирилган:

- криминоген омилларнинг шахснинг хулқ-атворига таъсири ҳақида маълумот;

- вояга етмаганларнинг такроран жиноят содир этиш хавфини минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича тавсиялар.

Шунингдек, вояга этмаганларни пробацция қилиш пробацция органи томонидан болалар ишлари бўйича идоралар ва хизматлар, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлайдиган махсус муассасалар билан биргаликда амалга оширилади.

Шу билан бирга, пробацция органлари маҳкумларни таълимга жалб этиш ва уларнинг тўлиқ умумий ўрта таълим олишига қўмаклашади. Вояга етмаганлар билан ижтимоий-маърифий ишлар ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакилларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин [9].

Қирғизистон Республикасининг “Пробацция тўғрисида”ги қонунига кўра вояга етмаганларга нисбатан пробацция, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, такроран жиноят содир этишининг олдини олиш, психологик-педагогик жараённинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоийлаштириш ва жамиятга қайта мослаштириш қўмаклашиш мақсадида амалга оширилади.

Шунингдек, вояга етмаганлар нисбатан пробацция турлари қуйидаги принципларига риоя қилинган ҳолда қўлланилади:

1) вояга етмаганлар пробацция қилишда ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, қонуний вакиллари, васийлари, ҳомийлари, болаларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоатчилик иштирокининг мажбурийлиги;

2) болалар билан ўтказиладиган тадбирларга психологик-педагогик ёндашувни таъминлаш ва тегишли мутахассисларни жалб этиш;

3) пробацья органлари (мансабдор шахслар)нинг болалар билан ишлашга ихтисослашуви;

4) вояга етмаган пробацья иштирокчиси бўлган болаларга қаратилган тадбирлар режаси ва дастурини бошқа пробацья иштирокчиларидан алоҳида амалга ошириш;

5) кўрсатилаётган ижтимоий-ҳуқуқий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш [10].

Финляндияда Бош директор томонидан бошқариладиган Жиноий жазолар бўйича агентлик икки хизматдан иборат: пробацья хизматидан ва турмаларни бошқариш хизматидан [11]. Биринчи хизмат жамоат санкцияларини ижро этиш, **жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган вояга етмаганларни назорат қилиш**, жамоат ишлари тарикасидаги жазони ижро этиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларни назорат қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазоларни ижро этиш билан шуғулланади. Иккинчи хизмат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳукмларни ижро этади, шунингдек қамоққа олинган айбланувчиларни суд ҳукми чиқарилгунга қадар қамоқда сақлашни ташкил этади.

Нидерландияда Ахлоқ тузатиш муассасалари миллий агентлиги таркибий жиҳатдан тўрт асосий бўлимдан иборат: а) турмалар хизмати бўлими; б) **ювенал муассасалар бўлими**; в) клиник турмалар бўлими; г) махсус бўлим. Турмалар хизмати бўлимининг ваколатларига тергов ҳибсхоналарини, шунингдек барча турдаги турмаларни (қаттиқ кўриқланадиган, ярим очик ва очик турмаларни) бошқариш киради. Ювенал муассасалар бўлими вояга етмаганлар учун мўлжалланган ахлоқ тузатиш марказларини бошқаради. Клиник турмалар бўлими ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган ва тўлиқ ёки қисман муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар учун мўлжалланган махсус тиббий марказларга раҳбарлик қилади [12].

Шу нарса диққатга сазоворки, Нидерландияда пробацья хизмати учун бюджетдан маблағлар Адлия вазирлиги томонидан ажратилса-да, дастурлар уч нодавлат агентлик: асосан уй-жойсиз одамлар ва **вояга етмаганлар билан ишлайдиган Халоскорлик Армиясининг пробацья бўлими**; алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинган одамлар билан ишлайдиган Руҳий саломатликни сақлаш ташкилоти; ҳар бирида 11-15 ходим ишлайдиган 60 дан ортиқ офисларга эга бўлган Пробацья миллий хизмати томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағларини тақсимлаш ва мазкур агентликлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан Нидерландиянинг Пробацья бўйича жамғармаси шуғулланади [13].

Ўзбекистон Республикасининг “Пробацья тўғрисида”ги Қонуни 57-моддасида пробацья назоратидаги вояга етмаган шахслар билан иш олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган бўлиб, унга кўра пробацья назоратидаги вояга етмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш чоғида улар билан яқка ёки жамоавий тартибда суҳбатлар ўтказилганда ва ушбу шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланилганда уларнинг ёши, ўзига хос индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, вояга етмаган шахслар оила аъзоларининг ёки қонуний вакилларининг ижтимоий мослаштиришда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилади [14].

Вояга етмаган шахсга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларга ушбу шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда педагог, психолог, васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари жалб этилиши мумкин.

Туман (шаҳар) пробацья бўлинмасининг ходими томонидан васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари билан биргаликда пробацья назоратидаги вояга етмаган шахснинг яшаш шароитлари ҳар чоракда ўрганилиб, бу ҳақда далолатнома тузилиши белгиланган.

Умуман олганда, вояга етмаганларга нисбатан пробацья – уларни жамиятга қайта ижтимоийлаштириш, қонунларга риоя қилиш, умумэтироф этилган кадрятлар ва хулқ-атвор қоидаларини сингдириш, таълим олиш, турар жой ва ижтимоий ёрдам билан таъминлаш, шунингдек, оила ва жамиятнинг болаларга ёрдам бериш ва уларни қийин ҳаёт вазиятларига тушиб қолишидан ҳимоя қилиш имкониятларини кучайтиришга қаратилган.

Юқоридагиларга асосан, умумлаштириб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар пробацияси – бу жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни турли соҳалар мутахассисларининг комплекс ёндашув орқали уларни такроран жиноят содир этишларини олдини олиш, жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва таълим олишга қаратилган самарали институционал механизмдир.

Хулоса ўрнида, вояга етмаганлар ўртасида такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвор ҳамда миллий анъаналарга ҳурмат туйғусини шакллантириш орқали жамиятга ижтимоий мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги Қонунига вояга етмаганлар пробацияси (Ювенальная пробация) бўйича алоҳида модда киритиш таклиф этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145> // (Constitution of the Republic of Uzbekistan).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/3026246> // (Law of the Republic of Uzbekistan “On State Youth Policy”)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати. “Жиззах вилоятида жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди” // <https://www.senat.uz/oz/events/post-3678>. // (Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Issues of combating crime and corruption in the Jizzakh region were discussed.)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати “Сенат қўмитаси: ўтган йилнинг ўзида республикамизда ҳар 100 минг аҳолига қарийб 200 тадан содир этилган жиноятлар тўғри келди” // <https://senat.uz/oz/events/post-3413>. // (Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan "Senate Committee: in the past year alone, about 200 crimes were committed in the republic per 100,000 population")
5. Мустафоев Б. Бош мақсад – адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш. // Ахборотнома. – №.4. – 2008. – Б. 5. // (Mustafayev B. The main goal is to ensure justice and the rule of law. // Bulletin. - No. 4. - 2008. - P. 5.)
6. Ансель Марк. Новая социальная защита (гуманистическое движение в уголовной политике). – М., 2010. – С. 256-271. // (Ansel Mark. New social protection (humanist movement in criminal policy). - M., 2010. - P. 256-271.)
7. Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. – М.: Юридическая литература. 1992. – С. – 114. // (Antonyan Yu.M. Reasons for Criminal Behavior. - M.: Legal Literature. 1992. - P. 114.)
8. Закон Республики Молдова «О пробации» // 14 февраля 2008 года №. 8. <https://legislationline.org/taxonomy/term/17052>. // (Law of the Republic of Moldova "On Probation" // February 14, 2008 №. 8.)
9. Закон Украины «О пробации» // 5 февраля 2015 года № 160-VII. https://urst.com.ua/ru/download_act/o_probatsii?utm_source/ // (Law of Ukraine "On Probation" // February 5, 2015 No. 160-VII.)
10. Закон Кыргызской Республики «О пробации» // 24 февраля 2017 года <https://cbd.minjust.gov.kg/111517/edition/1103351/ru>. // (Law of the Kyrgyz Republic “On Probation” // February 24, 2017)
11. Finnish Criminal Policy: From Hard Time to Gentle Justice. Ikponwosa O. Ekunwe University of Tampere Richard S. Jones // Published version. The Journal of Prisoners on Prisons, Vol. 21, No. 1&2 (June 2012).
12. Department of Justice, National Agency of Correctional Institutions, Prisons, Detention Centres, Correctional Institutions for Juvenile Offenders, and Custodial Clinics and Forensic Psychiatric Hospitals in the Netherlands, Hague, 2002. http://www.dji.nl/hipe/uploads/071015133232/Corporate_brochure_engels.pdf.

13. P.J.P. Tak, *The Dutch criminal justice system: Organization and operation*. 2nd ed. Boom Juridische uitgevers, 2003. – 35-б.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/7050441>. // (Law of the Republic of Uzbekistan "On Probation")

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000